

ОДИН ЁҚУБОВ

ХАЖАТ ОЗГАР





ОДИН ЁҚУБОВ

МИРЗА

ТЕРАК

ХИКОЯ



Ю $\frac{Уз}{Е93}$

1961

ГБ УзССР

Т-

67249

УзССР БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1961

Ҳозирги замон темасидаги янги
ҳикоялар учун эълон қилинган
конкурс материалларидан

Одил Ёқубовнинг «Мирза терак» номли ҳикояси ёшларимиз ўртасидаги муносабатларга бағишланган бўлиб, чин дўстлик, соф муҳаббат ғоясини илгари суради, муқаддас инсоний туйғуларга енгилтак қарашнинг турли нохуш оқибатларга сабаб бўлишини таъкидлайди.

Ёқубов О.

Мирза терак. Ҳикоя.
48 бет.

Т., Ўзадабийнашр, 1961.

Яқубов А. Мирза терак. Рассказ.

Нафиса кечикмоқда эди.

Мирза тоқатсияланиб соатига қараб қўйди: чорак кам саккиз!

Аллақачон тўпланган қиз-йигитлар клубнинг қаршисидаги гулзорда, осмонга кумуш ранг сув пуркаётган фонтан рўпарасида икки гуруҳ бўлиб суратга тушмоқда эдилар, ўнг қўлдаги биллиардхонанинг очиқ деразасидан шарларнинг «чақ-чақ»и эшитилиб турар, ичкаридан рубоб овози келар, кимдир полда депсиниб «Роҳат»га ўйнамоқда эди.

«Латофат!»— кўнглидан кечирди Мирза, лекин шу маҳал ўнг қўлдаги хиёбонда бошидаги зардўзи дўпписи, эгнидаги хонатлас кўйлаги билан булутлар орасидан мўралаган қуёшдек ярқ этиб, Латофатнинг ўзи кўринди.

Унинг қўлида кичкинагина чамадонча, афтидан, кечикиб қолишидан қўрқиб, жадаллаб келарди.

У чопқиллаганича Мирзанинг олдига келиб тўхтади.

Қошлари, киприклари биллиар-биллимас

бўялган, кўзларида қизларга хос эркалик ўйнаб турибди.

— Салом, Мирза ака!— деди Латофат шўх, жарангли товуш билан.— Мана, келдик. Буйруғингизни кутамиз!

Латофат цехдаги қизларнинг орасида энг шўхи эди. У ҳамма билан ҳазиллашиб, кулишиб таплашар, айниқса, Мирзага ўзини яқин тутар, доим эркаланиб гапирарди. Унинг бу қилиқлари, айниқса, ўзини яқин олиши, Мирзага ҳам ёқар, у ҳам Латофатга тегажаклик қилиб, кулиб гаплашарди. Лекин, ҳозир Латофатнинг эркалиги Мирзага негадир ёқмади.

— Хўп, ичкарига киртверинг,— деди у, Латофатга қарамасдан,— ҳозир бошлаймиз.

Қиз кўзга ташланмайдиган қилиб ўхшатиб бўялган юпқа лабини буриб, жилмайди.

— Ҳа, намунча!— деди у,— бировларни кутяптиларми дейман?

— Сизга барибир эмасми, яхши қиз?

Латофат бурилган жойида тўхтаб, бир зум Мирзага тикилиб қолди. Кўзларидаги, лабларидаги эркалик ифодаси аллақандай таажжуб билан алмашди. Сўнгра тез бурилди-да, индамасдан клубга кириб кетди.

— «Нега бундай қилдим?»— деди Мирза ўз-ўзидан ғижиниб. У кечирим сўраш учун қизнинг кетидан интилган эди ҳамки, қаердан-дир пайдо бўлиб қолган жингалак сочли бир йигит уни тўхтатиб қолди:

— Кечаларинг шу ерда бўладими?

— Шу ерда.

— Раҳмат,— йигит Мирзага ғалати назар ташлади-да, клубга қараб йўналди. Йўл-йўла-

кай иккала қўлини кўтариб жингалак қўнғир сочларини бир неча марта силаб қўйди.

Мирза йигитни таниди: эрталаб Нафиса билан Музыка билим юртининг фоесида кўрганди.

Улар фоенинг кийим ечадиган бўш жойида нима ҳақдадир қаттиқ баҳслашиб, тўғрироғи, жанжаллашиб турардилар. Иккиси ҳам бу жанжални сездирмасликка ҳаракат қилар, лекин ўрталарида низо борлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланиб турарди.

Қизнинг ингичка ва бахмалдай силлиқ қошлари бир-бирига туташган, қирра буруннинг катаклари керилиб, нам лаблари пирпираб учарди. У узун, ингичка бармоқлари билан кўкрагидаги ёқут кўзли тилла тўғнағичини ўйнаб, ерга тикилиб қолганди. Йигит эса қизнинг гапирмоқда, иккисининг боши бир-бирига тегай-тегай деб турар, лекин кўринишдан қиз буни сезмас, чунки йигит баъзан билагидан ушламоқчи бўлганида, асабий ва кескин ҳаракат билан қўлини тортиб оларди.

Мирза уларнинг ёнидан ўтаётиб, ялтироқ мрамор полда сирғаниб кетган ва уялганидан ўнг қўлдаги йўлакка шўнғиркан, қизнинг ялт этиб қараганини кўриб қолганди. Қизнинг кўзлари шундай катта ва шундай тим-қора эдики, гўё Мирза бунақасини ҳеч қачон кўрмаган эди.

Уша учрашувдан беш минут кейин эса, билим юрти комсомол ташкилотининг секретари, қорачадан келган, нимжонгина қиз Нафисани бошлаб кириб, Мирза билан таништириб қўйганди.

Комсорг қиз Нафисага Мирзанинг илтимосини гапира бошлаган эди, Нафиса кулиб:

— Бу ёғини ўзимизга қўйиб беринг, ўзимиз бир битимга келармиз!— деб кулган ва Мирзани диванга таклиф қилиб, қачон ва қаерга боришини сўрай бошлаганди. Сўнгра Мирзаларни ташқаригача узатиб чиққан, хайрлашган, майин илиқ кафтида унинг қўлини бир неча секунд ушлаб турганди. Шу бир неча секунд давомида Мирза чап томондаги газета осилган витринанинг ёнида турган ҳалиги жингалак соч йигитнинг тоқатсизлик билан бир-икки марта қараб қўйганини кўриб қолганди.

Мирза уларнинг ўртасида қандайдир бир ички кураш кетаётганини билган, лекин бунинг сабабини ва қизнинг мақсадини тушунолмаган эди.

Мана энди йигит келди-ю, қиз йўқ!

Мирза соатига қаради — саккиз!

«Қелмаса келмас! Нима, бусиз кечамиз ўтмай қолармиди?»— хаёлига шу гап келди-ю, бирдан енгил тортиб, клубга шўнғиди.

Саҳнанинг олдида борганида рўпарасидан бригада бошлиғи Файзулла чиқиб қолди.

— Ҳаммани куттириб қўйиб қаёқларда юрибсан? Қачон бошлайсан?— деди у одатдагидай жилмайиб,— одам деган ҳам шунақа бўладими?

— Бўлар экан-да,— Мирза уни қучоқлаб кулди,— хўжайинлардан биронтаси келмадими?

— Йўқ. Кеча бизники. Ўзимизга қўйиб беришган.

Улар саҳнанинг чап томонидаги пастаккина кўримсиз эшикни очиб, дуторчи, гармончи ва чилдирмачиларга лиқ тўлган кичкина хонага кирдилар.

Хонанинг тўрида ясан-тусанни жойига қўйиб, қош-кўзларини бўяб олганликлари учун аллақандай нотаниш кўринган таниш қиз-йигитлар гуж бўлиб туришарди. Мирза кириши билан ҳамма унга ёпирилди.

— Қанча кутиш мумкин?

— Сен ҳам шунақа катта бўлиб қолдингми?

Мирза уларни кулги билан енгиб, Файзуллага юзланди:

— Бирор нима дейсанми?

— Мен нима ҳам дердим? Ўзинг биласанку, жон дўстим!

— Хўп, юр!— деди Мирза кулиб.

Улар тор ва энсизгина саҳнага чиқдилар.

Мирза Файзуллани стулга таклиф қилиб, ўзи залга юзланди.

Кулги, шов-шув секин босилмоқда эди. Катта тилла қандил чарақлатиб юборган залда таниш ва нотаниш чеҳралар кулиб, илжайиб, хўмрайиб, қошларини чимириб тикилиб турардилар. Уларни кўриши билан Мирзанинг кўнглидаги шўх, қувноқ туйғулар яна ҳам мавжланиб кетгандай бўлди.

— Ўртоқлар!— деди у,— бугун заводимиздаги коммунистик бригада аъзолари бир кўнгил очиб, чақчақлашиб, хурсандчилик қилайлик деб тўпланувдик, тўғримми?

— Тўғри!

— Оббо! Америка очганини қаранг буни!

Мирза қўлини кўтариб, ғала-ғовурни босди.

— Шошманглар! «Берди»сини айтиб бўлай, ахир!.. Хуллас, бугун бизнинг тўйимиз. Аммо орамизда шунақа расмиятчи бюрократ-

лар ҳам бор эканки, улар бу тўйимизни яна ишлаб чиқариш мажлисига айлангирмоқчи бўляптилар.

— Масалан?— деди кимдир орқадан.

— Масалан... Ҳурматли комсоргимиз ва бригадиримиз Файзулла... Бу киши доклад учун бир соат талаб қиляптилар...

Залда кулги кўтарилди. Мирза ер остидан Файзуллага бир қараб олди. Унинг пешонаси тердан ялтирай бошлаган эди.

— Бу киши азалдан сўзга чечан эмасларми? Бугун бир ваъз айтгилари келиб қолибди! Лекин бир соат нима тўғрисида гапириши мумкин?— деди Мирза ғовур босилгач,— ишимиз ёмон эмас, планни дўндириб бажаряпмиз. Дўстлигимиз пўлатдай мустаҳкам ва ҳоказо, ва ҳоказо... Шунинг учун бу кишини сўздан маҳрум қилсагу, гапни цехимизда хизмат кўрсатган артисткамиз, гўзаллар гўзали Латофатхонга берсак... У киши бизга «Роҳат»дан сўз очсалар!..

Бу сафар кулги қарсаклар билан кўмилиб кетди. Афтидан, бу ерга тўпланган ёшлар ҳозир шундай кўтаринки кайфиятда эдиларки, айтилган ҳар бир сўзни — уни ким айтишидан қатъи назар қарсак билан кутиб олишга тайёр эдилар.

— Раҳмат. Нима бўлса ҳам мени қутқариб қолдинг! Буёғини ўзинг тўғрилайвер.— Файзулла Мирзанинг елкасидан кучоқлаб бир жилмайди-ю, пастга тушиб кетди.

Цех йигитларидан ташкил топган оркестр чиқиб, сахнадан жой олди, бироқ Латофат кўринмас эди. Мирза ўзини хонага урди.

— Латофат қани, Латофат?

Латофат бурчакда тескари бурилиб йиғлаб турар, «Бариня»га хозирланаётган Лида Соколова деган қиз уни қучоқлаб ва айни замонда узун туфличаси билан полни дук-дук тепиб, Латофатни юпатмоқда эди.

Мирза кириши билан, Лида худди оёғи куйган товукдек сакраб-сакраб, унинг олдига келди.

— Сен нега бу бечорани мазах қиласан?

Мирза ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Қачон мазах қилдим? Нима дедим?

— Цехимизда хизмат кўрсатган артистка деганингиз мазах қилганингиз эмасми?— йиғи аралаш деди Латофат,— мени гўзаллар гўзали демай қўя қолинг, тушундингизми?

— Ҳа... Шунга шунчами?

— Шунча!

Оркестр «Роҳат»ни бошлаб юборди.

— Латофатхон! Илтимос!— деди Мирза.

— Хўп. Агар иккинчи марта шунақа қиладиган бўлсангиз...

Латофат сурма қўйилган кўзларини мушти билан тез-тез артди-да, унинг ёнидан ўтиб сахнага чиқиб кетди.

— Умуман... кечирим сўрасанг бўларди!— деди Лида.

— Хўп! Оббо!..— Мирза кескин бурилиб сахнага чиқиб кетди. Негадир Лиданинг сўзлари унинг ғашини келтирганди. Лекин сахнанинг бир четида, парданинг орқасида туриб, Латофатнинг ўйинини, унинг ҳаяжондан гулгул ёниб турган юмалоқ юзини, ўйноқи куйга мос тушиб, гоҳ депсиниб, гоҳ полни «дук-дук» уриб йўрғалаётган хушбичим оёқларини кузатаркан:

— Үзи шунақа чиройлимиди? Ё бугун шунақа очилиб кетдими?— деб кулимсирарди.— Нега ранжитдим-а, шундай яхши қизни?

Гўё унинг бу фикри ҳаммага ҳуш ёққандай Латофатни уч марта саҳнага чиқишга мажбур этишди. Ахири у саҳнадан қочиб тушаётиб, Мирзанинг қулоғига шипшиди:

— Жон Мирза ака! Бўлди! Нафасим тикилиб кетди!

Мирза «навбатдаги номерани» эълон қилиб хонага кирганида, Латофат ўзини диванга ташлаб, гулдор рўмол билан юзини елпимоқда эди. Мирза ёнига бориб уни табрикламоқчи эди, Лида йигитни қўлтиқлаб бурчакка бошлади.

— Ажойиб қиз! Тўғрими?

— Кимни айтасан?

— Кимни бўларди? Оббо сени!— Лида гинахонлик билан кўзларини сузди.— Латофатни-да.

— Ҳа, мен ёмон қиз дедимми?

— Демасанг уйига узатиб қўясан! У Эски шаҳарда туради, биласан-ку!

Мирза ер остидан Латофатга кўз ташлади. Афтидан, қизлар бу тўғрида гаплашган бўлсалар керак, Мирзанинг қарашидан уялиб кетган Латофат жилмайиб, нигоҳини яширди.

Мирза кулиб юборди.

— Хўп, у ўзи қарши эмасми?

— Қарши эмас!

— Бўпти!— Мирза куй тамом бўлаётганини сезиб, саҳнага чопди.

Саҳнада туриб қарсакларнинг босилишини кутаркан, орқароқдаги деразанинг олдида ўтирган жингалак сочли бояги йигитни кўриб

қолди. У ҳеч кимга билдирмасдан папирос чекмоқда эди.

— Ҳртоқлар, залда папирос чекилмасин!

Олдиндагилар орқага, орқадагилар ён-верларига қарашди.

— Папирос чекаётган ким ўзи?

— Залдан чиқариб юборилсин!

Мирзанинг хаёлидан:

«Айтайми, айтмайми?» деган фикр ўтди, лекин шу пайт жингалак сочли йигитнинг қўлидаги папиросини шошқалоқлик билан оёқлари остига ташлаётганини кўриб, сўзни бошқа ёққа буриб юборди.

— Ҳртоқлар!— деди у,— бугунги кечамизга Музыка мактабидан бир студенткани таклиф этувдик. Студентка келаман деб ваъда бердилару, алдаб кетдилар. Ҳанузгача дараклари йўқ. Майли, нима ҳам дердик, келмаса ўзларига қийин...

Мирза гапини тамом қилмаган эди ҳамки, қаердандир орқадан, бурчакдан:

— Кечирасиз, мен шу ердаман!— деган овоз эшитилди.

Мирза, бирдан юраги «шиғ» этиб, овоз келган томонга қаради.

У ердан саҳнага томон оёғига пошнаси банд оқ туфли, эгнига оқ кўйлак кийган, елкасига ҳарир пушти ранг рўмол ташлаб олган бир қиз келарди. Бу — Нафиса эди. У, худди томошабинларни мафтун қилишга жазм этган артисткадек, жилмайиб, яшнаб келарди.

Мирза ўзини йўқотиб, довдираб қолди ва фақат зинанинг олдида тўхтаган Нафиса:

— Вой, ёрдамлашиб юборинг!— деб қўлини чўзгандагина ҳушига келди.

— Э, кечирасиз!— Мирза қизнинг кичкина, мулойим кафтидан ушлаб, енгилгина кўтариб олди.

— Пианиноларинг янгими? — шипшиди. Нафиса ва кулгичларини ўйнатиб жилмайди:

— Чайковский. Муҳаббат санотаси!

Мирза ҳам кулиб, унинг сўзларини такрорлади ва шу дақиқадан бошлаб унда ғалати бир ўзгариш рўй берди. Гўё зеҳни боягидан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келар, ҳатто хатти-ҳаракатларининг ўзиёқ залда кулги уйғотарди. Фақат Нафисагина уни негадир сал чўчитар, унга сўз қотаётганда, худди муз устида чопиб бораётгандай ўзини қалтис сезарди. Лекин қиз Мирзанинг ҳазилларига шундай завқ билан кулардики, сал ўтмасданоқ ишончсизлик туйғуси ҳам сўнди-ю, гўё Мирза ғам-ғуссадан йироқ бўлган шодлик ва бахт кўкида парвоз қилаётгандек сезди ўзини.

Концерт тугаб, энди танца бошланмоқчи бўлиб турганда, Нафиса Мирзани четга тортди. Унинг лабларидаги бояги табассум сўнган, сурма қўйилгандай қоп-қора кўзларида тарадуд ва илтимос жилва қиларди.

— Сизга битта илтимосим бор,— деди у, ва худди бу илтимосини айтишдан ийманаётгандай елкасидаги пушти ранг рўмолининг учларини қўлига олиб ўрай бошлади.

— Қанақа илтимос?— сўради Мирза, қизнинг ўткир учли иягининг четидаги холига тикилиб. Йигит бу холни боя пайқаманган эди! Энди эса, қизнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, чеҳра-

сига ажиб бир мулойимлик бахш этиб турган нарса шу қора хол эканини кўриб турарди!

— Биз бу ердан хийла узоқда турамыз... Малол келмаса, узатиб қўйсангиз?— деди Нафиса ва кўзларини рўмолидан узиб, Мирзага қаради.

— Шуми?— деди Мирза,— марҳамат, биз доим тайёр!

Мирза шундай деб қўйди-ю, бироқ бугунги кечанинг бош ташкилотчиси эканини, концерт энди тугаганини, ҳали танца, викторина ва бошқа ўйинлар бўлиши кераклигини, айти замонда Латофатга ваъда бериб қўйганини — ҳаммасини эслади ва:

— Қани, олдин танцага тушайлик!— деди шошиб. Бироқ Нафиса «йўқ» деган маънода бош чайқади-да, эшикка томон бурилди.

Мирза икки томонга чекиниб, йўл бераётган таниш қиз-йигитларнинг ёнидан ўтиб бораркан:

— Нима, ҳаммаси менга қолдими? Бошқалар ҳам жон куйдирсин-да!— деб ўзини юпатди.

Иссиқ ва дим залдан кейин ташқари жуда салқин ва жимжит туюлди уларга.

— Қаранг, куз ҳавоси қандай хушбўй, ёқимли!— Нафиса кулди ва совқотаётгандай елкасидаги ҳарир рўмолига яхшироқ ўраниб олди.

Гулзорнинг ёнида папирос чекиб, кулишиб турган йигитларнинг ёнидан ўтиб, узун хиёбонга етганларида, кимдир йўлларини тўсди.

Нафиса орқага тисарилди, гўё йўл тўсувчи югуриб келиб унга чанг соладигандай, Мирзанинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

Мирза ярим қоронғиликда йўлни тўсаётган одамнинг юзини кўрмаса ҳам, унинг ҳалиги йигит эканини пайқади. Буни Нафисанинг «Малик!» деб пичирлашидан тушунди.

Мирза қўлини қизнинг иссиқ кафтидан бўшатиб, йигитга томон бир қадам ташлаган эди ҳамки, Маликнинг:

— Нафиса!— деган товуши эшитилди. Бу овоз чанг солиш пайида юрган одамнинг эмас, балки нимадандир қўрққан, ёлворган кишининг товуши эди. Мирза нима қилишини билмасдан хиёбоннинг ўртасида тўхтаб қолди.

— Нима демоқчисиз? Сизга нима керак ўзи?— деди Нафиса.— Энди унинг товушидаги бояги ҳаяжон аралаш қўрқув йўқолган эди.

— Нафиса!— яна қизга мурожаат қилди йигит. У гўё бошқа сўз айтолмас, тўғрироғи, айтмоқчи бўлган ҳамма кўнгил дардини шу бир сўз билан ифода этаётгандай эди. Буни эшитган Мирза худди бехосдан эр-хотин жанжалига аралашиб қолган одамдай ноқулай бир аҳволга тушиб қолди. Нафиса секин унинг ёнига келди.

— Керак эмас!— деди у товуши ўзгариб,— марҳамат қилиб менинг кетимдан юрманг! Сўнгра секин қўшимча қилди:

— Юринг, Мирза ака!

Мирзанинг ҳамон нима қилишни билмай хаёлланиб турганини кўрган қиз ёлворган бир оҳангда:

— Юринг!— деди ва унинг қўлидан ушлади,— илтимос қиламан.

Мирза қизга итоат қилса ҳам хаёлидан: «Нега бундай қияпти? Нима бўляпти ўзи?»

деган фикрни ўтказди. Катта кўчага чиққан-ларидagina ўзини туютмасдан:

— Нега ундай қилдингиз?— деб сўради.

Нафиса кулди:

— Нима қилдим?

— У ким ўзи?— деди Мирза.

Нафиса тоқатсизланиб қўлини силтади. Мирза қоронғиликда унинг юзини кўрмаса ҳам, лабларини буриб кулганини тасаввур қилди.

— Ким бўларди? Ҳалиги...— қиз машҳур композиторнинг номини айтди,— ўшанинг ўғли!

— Бирга ўқийсизларми?

— Йўқ... Биздан икки курс юқори ўқийди,— деди Нафиса ва қоронғиликда Мирзага юзланиб:

— Қелажакда ўзи ҳам машҳур композитор!— деб кулди ва лабини бурди,— ўйлайдики, талантли бўлгани учун ҳамма унинг кетидан югуриб юради деб! Югуриб бўбди!

Гарчанд Нафиса буни кибр билан айтган бўлса ҳам, Мирза унинг овозида аллақандай бир ички тараддуд борлигини сезиб қолди: Гўё қиз Маликка итоат қилишни истамаса ҳам, нимадандир қўрқар, безовталанар эди. Бу Мирзага қаттиқ тегди.

— Нима, талантли композитор бўлса ёмонми?— деди у жўрттага.

— Мен сизга ёмон дедимми?

— Ёмон демасангиз... Нега бунақа қилдингиз? Балки сизни узатиб қўймоқчи бўлгандир.

— Агар мен истамасам-чи?— деди Нафиса дабдурустан.— Мен сиз узатиб қўйишингиз-

ни хоҳладим-да!— деб кулди,— ё сиз узатиб қўйишни хоҳламайсизми?

Нафиса Мирзанинг юзига тикилди. Қоронгиликда қизнинг юзи аниқ кўринмаса ҳам, лабларида, чарос кўзларида шўх кулги жило қилаётгани, ҳозир қаҳқаҳа уришга тайёр экани билиниб турарди.

Мирза тўсатдан нима дейишини билмай, лол бўлиб қолди.

У шу маҳалгача биронта қизга кўнгил қўймаган эди. У қизлар билан ҳамиша ўзини жуда содда тутар, дўстлари билан муомала қилгандай ўзини эркин тутар эди. Мактабда, бўйи жуда новча бўлгани учун қизлар уни «Мирзатерак» деб кулишарди. Лекин Мирза бундан ранжиш у ёқда турсин, ўзи ҳам қўшилишиб куларди, чунки кўнглининг бир четида, шундай деб чақиришларига қарамасдан, қизлар уни ёқтиришларини сезарди. Сўнгги икки йил мобайнида унинг бўйи яна ҳам чўзилиб кетди, лекин энди энига ҳам ўсганидан новчалиги ўзига ярашиб тушганди. Новчалигининг яна бир фойдаси шу бўлдики, уста волейболчи бўлиб олди. Цехлар ва заводлар ўртасида бўладиган ўйинларда қизларнинг энг яхши гулдасталари доим Мирзага тегарди. Бунга машшоқлиги ҳам қўшилди-ю, қизлар орасида хийла эркатой бўлиб кетганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Уларнинг хушомоди жуда оддий, ҳатто табиий бир нарса бўлиб кўринарди! Аммо бугун... Бугун нима дейишини билмас эди!

Ниҳоят, Нафиса:

— Раҳмат. Ундай бўлса бу ёғига ўзим кета қоламан!— деди. Мирза бирдан ҳушига келди.

— Йўқ, йўқ, гап унда эмас!

— Бўлмаса намунча қовоғингиздан қор ёғиб қолди?— деди Нафиса кулиб ва тўсатдан Мирзанинг қўлидан ушлади:— Юра қолинг энди, вой бў-ўй!..

— Хўп, юринг!— деди Мирза ва ўзини ёш боладай тутаётганидан ғижиниб, қўшимча қилди:— Тўхтаган мен эмас, ўзингиз-ку!..

Қизнинг кулгиси, хатти-ҳаракатлари шунақа шўх ва жозибали эдики, бу, Мирзанинг кўнглида ҳозирги тўқнашув қолдирган чигални дарҳол ёзгандай бўлди, лекин йигит ҳамон ўзини қандай тутишни, қандай муомала қилишни билмас эди.

Нафиса худди буни пайқаб келаётгандай:

— Ростингизни айтинг-чи, — деди, — мен сизга жуда... ғалати кўриняпманми?

— Йўқ... Нега?

— Энди... ҳали танишмасдан туриб узатиб қўйишингизни сўрашим... Коммунистик меҳнат бригадаси аъзосига ахлоқсизлик бўлиб туюлмасмикин дейман?

— Йўғ-э,— деди Мирза,— бу... бу бошқа гап!

— Шунақами? Башарти эртага ҳам учрашгим келса-чи? Унда қанақа гап бўлади?— Нафиса ўзини зўрға тўхтагиб турган бўлса керак, бирдан қийқириб кулиб юборди. Бу кулги Мирзани ҳушига келтиргандай бўлди.

У қизнинг ҳазил аралаш пичинг отаётганини пайқаб қолди-ю, бирдан тутақиб кетди.

— Тўхтанг, нима демоқчисиз ўзи?— деди у, Нафисанинг қўлидан тортиб,— бизнинг ахлоқимизни мазах қилмоқчимисиз?

— Йўқ, нега?...

— Бўлмаса нега бунақа дейсиз? Малик кўнглингизга ёқмаса, бошда у билан юрманг эди! Бу ерга коммунистик меҳнат бригадасини аралаштириб нима қиласиз?

Нафиса кўча юзидаги лампочка осилган сим ёғочнинг тагида тўхтади.

— Вой, қачон мен сизни мазах қилдим?— деди у энтикиб.

— Ҳали ҳам мени мазах қилдингиз деётганим йўқ. Аммо бу масалада бизнинг талабимиз тўғри деб ўйлайман! Ҳар ҳолда мен... агар яхши кўриб қолмасам... ҳеч қачон юрмас эдим!..

— О, шунақами?— Нафиса кулди, лекин унинг кулгиси қандайдир ғалати, босиқ, маъюс эди. Мирза жуда қалтис гап қилиб қўйганини, қиз бу гапдан бошқача хулоса чиқариши мумкинлигини эндигина пайқаб, ўнғайсизланганидан бир-икки марта йўталиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам шу гапдан кейин Нафисада аллақандай бир ўзгариш пайдо бўлди, бояги шўхликлари чуқур ўйчанлик билан алмашинди.

Улар ҳамон пиёда борардилар. Нафиса автобус тўхтайдиган жойлардан индамай ўтиб кетар, Мирза эса, уни тўхтатиб сўрашга журъат этолмас эди. Афтидан, ўртага чўккан бу ўнғайсизликни Нафиса ҳам сезиб бораётган бўлса керак, бир оздан кейин:

— Музыка тўғарагида кўпдан бери шуғулланасизми!— деб сўради.

— Заводга келганимдан бери. Икки йилдан ошди,— деди Мирза.

— Нотани биласизми?

— Йўғ-э, — Мирза қўлини силтади, — ким ўргатади дейсиз? Бизники шунчаки эрмак...

Бир зум жим қолдилар.

— Агар истасангиз, мен ўргатиб қўйишим мумкин... — Нафиса буни қандайдир журъатсизлик билан, гўё Мирзанинг кўнглига бошқа бир гап келишидан қўрққандай жуда секин айтди.

Лекин Мирза унинг бу ҳолатини сезмади шекилли, шошиб:

— Жуда соз бўларди! — деди негадир юраги пўкиллаб, — агар малол келмаса, албатта.

— Йўқ, — деди Нафиса ва кулди, — коммунистик меҳнат бригадасига ёрдам бериш шарафли ишқу, ахир!

Катта асфальт кўчадан ўнг қўлга бурилдилар. Бу кўча тор ва ярим қоронғи эди. Ариқ бўйларидаги толлар шу даражада қалин ва бир-бирларига чирмашиб кетган эдиларки, баъзи жойларда уларнинг шохлари остидан энгашиб ўтишга тўғри келарди. Оёқ остида тўкилган япроқлар шитирлар, ариқдаги сувнинг майин шилдираши эшитилар, атроф жимжит эди. Сал юрмасданоқ, олдинда қоқилиб, сурилиб бораётган Нафиса тўхтади, кўчанинг чап юзидаги толлар орқасидаги деразалари чарақлаб турган баланд, пишиқ бинони кўрсатиб:

— Мана шу бизнинг уйимиз бўлади, — деди ва қўлини чўзди. — Демак эртага соат беш яримда кутаман. Келасиз-а?

— Албатта!

Мирза Нафисанинг майин кафтини сиқаётиб, унинг бир жилмайиб қўйганини кўриб қолди. «Нега?» деди у ўзича. Тўсатдан эсига

бояги сўзлари тушиб кетди: «Яхши кўриб қолмасам... ҳеч қачон юрмас эдим!..»

Эслади-ю, ўнғайсизликдан юзи буришиб, бутун вужуди билан жирканди, сўнгра, хаёли чувалиб кетаётганини сизди-да, қўлини силтади:

— Майли энди! Бўлганича бўлди!

* * *

Мирза кечани ташлаб кетиб қолганидан пича ҳадиксирагани учун ҳам ишга роппа-роса соат 8 да етиб борди. У борганда ҳар ким ўз иши билан банд эди, Лида билан Латофат эса, Мирзадан узоқ, цехнинг бир чеккасида ишлардилар. Шунинг учун ҳам унга ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Ўша пайтда завод янги сеялка чиқариш планини қарийб икки марта ошириб бажариш мажбуриятини олган, бу эса, ҳар бир минутни тежаб ишлашни талаб этарди. Мирза тушгача шундай берилиб ишладики, иккала ёнини чархлаб, силлиқлаши керак бўлган сеялка дискаларидан ўттизта ўрнига қирқ донасини қўлдан чиқарди. Тушки овқатга занг уриши билан, у тезроқ ошхонага кетмоқчи бўлиб, эшикка қараб йўналган эди, рўпарадаги станокнинг олдида қўлини артиб турган Файзулла: «тўхта!» деб имо қилди.

Файзулла жуда мулойим йигит эди, шундай мулойим эдики, ҳатто биров билан баҳс-лашаётганида ҳам, ўзини кулгидан тиёлмас эди. У ҳозир ҳам ўсиқ бароқ қошларини чимириб:

— Нега кеча унақа қилдинг?— деб сўради ва беихтиёр жилмайди.— Болалар қаттиқ хафа бўлишди.

Мирза жўрттага: «Нима қилдим?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳамки, қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Лида унинг елкасидан туртди:

— Бугун мажлис бор. Сениям масаланг кўрилади.

Лида шундай деди-ю, тўхтамасдан унинг ёнидан утиб кетди.

— Қанақа мажлис? Нега энди менинг масалам кўрилар экан?— Мирза Файзуллага қараган эди, у кутилмаганда жаҳли чиқиб:

— Шундай кечани бузишига оз қолди-ю, яна нима қилдим дейди-я?— деди елкасини қисиб.

— Мен бузсам, сен-чи? Лида-чи?

— Топган баҳонасини қаранг! Бунақа одадинг бор экан, бошда айтмайсанми, биз ўзимиз қилмаймизми бу ишни!

— Хўп, мен айбдорман!— деди Мирза,— лекин шуни билиб қўйгинки, мен бугун мажлисга қололмайман!

— Нега?— деди Файзулла ва кулди.

— Чунки қололмайман!

Одатда Мирзанинг кулгисини қистатадиган Файзулланинг ҳадеб жилмаявериш одати, бу сафар ҳам унинг гашини келтирди.

— Бунча оғзингнинг таноби қочмасал!— деди у ва шартта бурилиб чиқиб кетди.

Ошхонада одам кўп, лекин бултурлари бўладиган шов-шув, гала-говур, тўполон йўқ эди. Заводда коммунистик меҳнат бригадалари ташкил топган заҳоти дастлаб ошхонадаги

тартибсизликка барҳам бериш масаласи кўтарилган эди. Ушандан бери ошхона хийла озода бўлиб, столларга оқ дастурхонлар ёзилган, гулдонлар қўйилган, одатда ур-сур бўладиган касса олдида ишчилар сиполик билан саф тартиб туришарди.

Мирза эшикда тўхтаб атрофга разм солди. Икки қўлида иккита ликопча ушлаган Лида тўрдаги столга қараб борарди. Афтидан, ликопчада суюқ овқат бўлиб, уни тўкиб юборишдан қўрқса керак, оёқ учида бир-бир босиб борар, лабларида қўрқув аралаш қувончли табассум жилва қиларди.

Мирза одамлар орасидан якка кифт билан ўтиб, Лиданинг ёнига етиб боргунча яна иккита ликопчада котлет олиб Латофат ҳам етиб келди.

Қизнинг кўзларидаги кечаги сурмадан, лабларидаги бўёқдан асар ҳам йўқ, лекин ошхонага келишдан олдин совуқ сувга яхшилаб ювинган бўлса керак, юзи ғоят тиниқ, кўк сатиндан жуда ихчам тикилган тениска бўйбастини жуда нозик ва хушбичим қилиб кўрсатарди.

Мирзани кўрганда қизнинг тиниқ, юмалоқ юзига билинар-билимас қон югургандай бўлди. Лекин бу ҳолат бир дақиқагина давом этди, сўнгра қиз бошини иргитиб салом берди, дугонасининг рўпарасига ўтиб ўтирди. Ўз дилида аллақандай бир ўнғайсизлик сезган Мирза, жилмайишга тиришиб, стулга ўтирмоқчи бўлган эди, Лида унга қарамасдан:

— Бу стул банд!— деди кескин.

Мирза ўзининг бемаъни табассум қилаётганини сезгани ҳолда:

— Оббо, келишса бўшатиб берармиз!— деди баттар илжайиб.

— У келгунча жой топиб ол демоқчиман!— деди Лида, бошини кўтармасдан.

Унинг дағаллиги Мирзанинг иззат-нафсига теккан эди.

— Боя, сенинг масалангни кўрамиз, дединг!— деди у ўтирмасдан.— Биринчидан, мен бугун мажлисга қололмайман. Иккинчидан...

— Нега?— деди Лида.

— Чунки бир жойга бормоқчиман. Умуман... мажлис нима тўғрисида ўзи? Ёлғиз менинг масаламми?

Қиз қошиғини қўйиб, бошини ликопчадан кўтарди:

— Қололмайдиган бўлсанг, у ёғини суриштириб нима қиласан?

— Ҳар ҳолда...

— Ҳар ҳолда иссиқ душ қуриш масаласи ҳам бор. Эсингдами, ўзинг бошловдинг-ку бу гапни?

— Эсимда,— деди Мирза.

Бу гапни ҳақиқатан ҳам Мирза бошлаган эди. Заводда иссиқ душнинг йўқлиги кўп қийинчиликлар туғдирар, ишчилар шу маҳалгача заводга иш кийимида келишар, бирор жойга борадиган бўлиб қолишса, олдин уйга бориб, кийиниб келишга мажбур бўлардилар.

— Эсимда,— деди Мирза, беихтиёр қизариб,— бу гапга ҳалиям иккала қўлимни кўтараман. Лекин... бугун қололмайман. Гапга тушунгин ахир, Лида!

У гапини тугатмаган эди ҳамки, Лида шартта ўрнидан туриб, деразанинг ёнига ўтишини имо қилди.

— Эртага Латофатнинг тугилган куни-ку, эсингдан чиқдими?— деди у секин.

Мирза таажжубланиб елкасини қисди:

— Бугун эмас, эртагами, ахир?

— Ҳа, эртага. Бироқ совға-салом деган нарса ҳам бор-ку? Бирга олсак девдим!— Лида гўё Мирзани биринчи марта кўраётгандай, унинг кўзларига диққат билан тикилиб турарди,— нега бирдан ўзгариб кетдинг?— деди у.

Латофат унинг сўзини эшитиб қолдими, ё Мирзани четга тортганиданоқ гап нима ҳақида бўлишини тушундими, ишқилиб, тўсатдан:

— Кераги йўқ... Йўлидан қўйма уни!— деди секингина.

Лида:

— Латофат!— деб сўз бошлаган эди, тақ этиб қошиғи билан столни урди.

— Кераги йўқ! Борсин! Бораверсин!— деди у титроқ товуш билан, сўнгра ўзини стулнинг суянчиғига ташлаб, Мирзага юзланди. Унинг чеҳрасида ҳеч қандай ҳаяжон сезилмас, лаблари титрамас, фақат ранги сал ўчган эди, холос.

— Боринг, йўлингиздан қолманг!— деди у энтикиб ва қўшимча қилди:— Ҳеч ким сизнинг масалангизни муҳокама қилмайди. Қўрқмасдан бораверинг.

Қизнинг кофта остидан туртиб турган юма-лоқ кўкраклари бир кўтарилиб тушди.

— Нимани кутиб турибсиз? Бораверинг деяпман сизга!— деди у, кўзларини Мирзанинг кўзларидан узмай.

Шу топда Латофат фақат ўз қалбидаги ҳис-туйғулари устидангина эмас, айни замон-

да Мирзадан ҳам устуи чиққан, бунга иқрор бўлиш эса негадир йигит учун оғир эди.

Мирза унинг қиёфасидаги бу босиқ ва мағрур ифодани кўрмаслик учун тез бурилиб, эшик томон йўналаркан, Лиданинг:

— Ажаб қилдинг! Яша!— деб шипшиганини эшитиб қолди. Лекин унга қаттиқ теккан нарса Лиданинг бу сўзи ҳам эмас, балки Латофатнинг муомаласидаги кескинлик эди. У ўз ҳаётида биринчи марта мағлубиятга учраган эди, назарида, гўё уни ёмон бир қилгулик устида тутиб олганларидай кўнгли ғаш эди. Лекин қизиқ: бу хижиллик қанча кучли бўлмасин, соат миллари бешга яқинлашган сайин юраги гупиллаб, кўнгли яйраб борарди.

Иш тугаб, деталларни санаб ўтказиши билан ўзини дарвозага урди. Ҳали уйига бориб кийимларини алмаштириши, вақт қолса, сартарошга сочини олдириши керак эди.

У кийимларини алмаштириб, янги костюмини кийишга улгурди-ю, сочини олдиришга вақт қолмади. Билим юртига чорак кам олтида етиб борди.

Аҳдлашилган жойда — муюлишдаги саданинг тагида Нафиса кўринмас эди. Афтидан, ўқиш тугаган бўлса керак, билим юрти олтидаги хиёбонларда одам сийраклашиб қолган, ҳамма ёқ жимжит, фақат иккинчи қаватнинг очиқ деразаларидан мунгли най овози эшитилиб турарди.

Мирза саданинг тагига бориб, ичкарига кириш-кирмаслигини билмай турганида, худди унинг келишини пойлаб ўтиргандай, эшик очилиб, Нафиса кўринди.

Бу сафар унинг эғнида бели хипча қилиб.

тикилган, шунинг учун ҳам этаклари очилган, зонтикка ўхшаган хонатлас кўйлак, оёғида кечаги оқ туфли ўрнига, фақат оёқ учига илиб юрадиган тилла ранг зархал босоножка бор эди.

Қиз нимадандир қаттиқ ҳаяжонланганга ўхшаб кўринар, юзидан қони қочиб, ранг-рўйи оқарган, лекин катта, қора кўзлари гўё тўшакда алаҳлаб ётган беморнинг кўзларидай чарақлаб турарди.

Мирзанинг юраги бирдан гупиллаб кетди. Нафаси тотли сиқилиб, қизга томон толпинди. Нафиса ҳам унга қараб юрди.

— Вой, мен сизга ёлғончи бўлиб қолмасмиканман,— деб қўрқиб турувдим,— деди у, Мирзага қўл узатиб.

— Нега энди?

— Чунки тумов бўлибманми, билмадим, бошим оғрияпти!— деди Нафиса ва худди йигитни ўз сўзларига ишонтирмоқчи бўлгандай кафтларини чаккасига босди.— Билмадим, нима бўлдийкин?

Мирзанинг назарида гўё қиз ундан ниманидир яширишга тиришаётгандай, ўзини талвасага солаётган нарсани билдиргиси келмаётгандай бўлиб туюлди. Йигит қовоғи солинганини ўзи ҳам сезмасдан:

— Шунақами?— деди қошларини чимириб,— демак, бугун вақтингиз бўлмас экан-да.

— Кечирасиз, шунақа бўлиб қолди. Бир сафар кечирасиз, эртага шу пайтда кутаман.

Нафисанинг гуноҳкор одамдай гапириши Мирзанинг шубҳасига шубҳа қўшди.

— Хўп, майли,— деди у, қизнинг кўзига кўзи тушмаслиги учун четга қараб.— Бундоқ бўлганини билганимда, бугун келмас эдим...

Гапираркан, шу чоқ Мирза қизнинг олтин соатига яширинча кўз ташлаганини кўриб қолди. Бир зум ўртага ноқулай жимлик чўкди, қиз худди нима қилишини билмай типирчилаб қолган одамга ўхшар, унинг бу қилиғи Мирзанинг дилида усиз ҳам ўт ола бошлаган алангага лампа мой тўкиб юборгандай бўлди.

Мирза ўзини бу ерга нота ўрганиш истаги эмас, аллақандай бошқа бир куч судраб келганига, у Нафисадан бошқа бир нарсани кутганига, ҳатто Нафисанинг ўзи ҳам уни бошқа бир мақсадда чақирди деган умидда бўлганига эндигина иқрор бўлди. Шунинг учун ҳам қизнинг гаплари унга қаттиқ теккан эди. У тутақиб: «Хўп, бўлмаса, яхши қиз!» дейишга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Нафиса тўсатдан:

— Юринг-чи, бу ёққа бир кириб чиқайлик,— деб қолди.

— Қаёққа?

— Залга. У ерда янги асарлар ижро қилиняпти... Агар бош оғриғи тарқаса...— қиз сўзини тамом қилмасдан Мирзанинг юзига бир қараб қўйди. Унинг бу қарашида аллақандай гуноҳкорлик аралаш илтимос маъноси бор эди. Мирза яна боягидай юрагидаги музи бирдан эриб, қизга эргашди.

Улар таниш фоедан ўтиб, мрамар зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилдилар. Мирза зинапоянинг биринчи поғоналарига оёқ қўйиши биланоқ қаердандир, тепадан эшитилаётган гулдурос қарсак овозларини эшитиб қолди. Улар иккинчи қаватнинг чап томонидаги йўлакка бурилдилар-да, учинчими, тўртинчими эшикни очдилар.

Бу — чор бурчаккина, лекин гумбазсимон шифтли жуда баланд ва кўркем бир зал эди.

Залнинг тўридаги ярим ой шаклидаги пастаккина саҳнада скрипка ушлаган Малик билан ўрта бўйли, дўндиқ бир қиз турарди. Қиз, худди оқ мрамрдан ясалгандай оппоқ, семиз қўлини кўтариб, қарсак ва шов-шувни босмоқчи бўлар, лекин босилмаганидан завқлангандай тўқ-қизил лабларини катта очиб кулар, Малик эса, аксинча, нимадандир хижолат чекаётган одамдай, афтини буриштириб, тоқатсизланганидан туфлиси билан полни тепкилаб турарди.

Залда битта ҳам бўш жой йўқ. Мирза билан Нафиса, эшикнинг ёнгинасида, деворга суяниб типпа-тик туришга мажбур бўлдилар. Нафиса яна ўша гуноҳкор овозда:

— Майли, ҳозир кетамиз,— деди шипшиб. У негадир саҳнага қарамас, кўкрагидаги тўғнағичини ўйнаб турар, ранги боягидан ҳам ўчгандай эди.

«Кетиш керак!» хаёлидан ўтди Мирзанинг. Шу пайт Малик кўзини чақнатиб, ёнидаги қизга нимадир деди, қиз «ҳозир» деган маънода бош иргатди-да, ингичка овози билан залдаги ғовур-ғувурни босиб:

— Ҳозир талантили курсдошимиз Малик-жон ўзининг «Ҳижрон доғи» деган янги рапсодиясини ижро этади!— деб эълон қилди. Сўнгра йигитга қараб имо қилди-да, саҳнанинг тўридаги ҳаво ранг барқут парда орқасига ғойиб бўлди.

Мирза ўз ўйлари билан бўлиб, бунинг устига, ғаши келиб тургани учун ҳам рапсодияга истар-истамас қулоқ солди. Лекин куйнинг илк

оҳанглириёқ унга «қизил карвон»ни эслатди-ю, хаёлини поёнсиз даштга, ажойиб кенгликларга олиб учгандай бўлди... Унга шундай туюлдики, гўё кимдир дилидаги давосиз дардини, нидосини барала куйлаб, кўнглини бўшатиш учун бу кенг даштга чиққан, даштнинг ўзи эса гоҳ қуёш таптида оловдек ёниб, унинг кўксини баттар доғлар, гоҳ баҳор майсалари билан безаниб, ҳижрон доғларидан ёниб кул бўлган қалбини эркалар, таскин берарди...

Куй ҳали тамом бўлганмиди, йўқмиди, буни Мирза билмай қолди, бир вақт Нафиса унинг қўлидан секин тортди:

— Бошим... Юринг...

Мирза қизнинг юзини кўрмаса ҳам, чиндан унинг қўли ҳарорати ошиб кетган одамнинг қўли каби титраётганини сизди.

Мирза эшикни очганида куй ҳам бехосдан узилган тордай, тўсатдан узилди, эшикни ёпаётиб, саҳнага чолиб чиққан бир гуруҳ қизларга, Маликнинг оёғига тушаётган рангбаранг гулдасталарга кўзи тушди.

Нафиса, гўё биров тўхтатиб қолишидан қўрққандай, Мирзани кутмасдан олдинда борарди. Қиз зинапоядан чопқиллаб тушди ва кўчага чиққандан кейингина тўхтади. У энтикиб нафас олар, қора хонатлас кўйлагини туртиб турган кўкраклари тез-тез кўтарилиб тушарди.

— Сизга нима бўлди?— деди Мирза, Нафисанинг кўзларига тикилиб. Қиз яна кўзини олиб қочди.

— Уша... бошим,— деди қиз ва зўрма-зўраки жилмайди.— Демак, эртага келасиз-а? Сал вақтлироқ келинг...

Нафиса шошиб, дудуқланиб гапирарди. Унинг гап-сўзлари ҳам, шошма-шошарлиги ҳам — ҳаммасини хаёли бошқа ёқларда юрганини, ёхуд, Мирза билмаслиги керак бўлган бошқа бир фикрлар билан банд эканини кўрсатиб турарди.

Мирза нима дейишини билмасдан бир зум жим қолди. У яна боягидай бу ерга шунчалик шошганининг асл сабаби нота ўрганиш истаги эмас, балки қандайдир бошқа бир сабаб эканини ҳис этди. Шунинг учун ҳам Нафисанинг бу қилиғи унинг дилига қаттиқ озор берганди. У бир зум иккиланиб тургач:

— Менга қара, Нафисахон,— деди вужудини титроқ босиб,— бу учрашувлардан мақсад нима ўзи?

Мирза бу саволни бериб бўлганидан кейингина нота ўрганиш тўғрисидаги гап эсига тушиб кетди. У Нафисанинг: «Вой, ўзингиз эмасми нота ўрганмоқчи бўлган!» дейишини кутган эди, лекин қизнинг қонсиз юзи тўсатдан, гўё қизил бўёқ томган бир пиёла сутдай, тўқ қирмизи рангга кирди.

— Ҳа, кўришгингиз келмай қолдимиз?— деди у ва бугун биринчи марта кечагидай эркалик аралаш гинахонлик билан жилмайди.

Мирза қандай жавоб беришини ўйлаб улгурмаган эди ҳамки, тўсатдан эшик тарақлаб очилиб, остонада Малик билан ҳалиги дўндиқ қиз кўринди. Қизнинг қўлида катта гулдаста. У Маликка ниманидир уқтирмоқчи бўлар, лекин йигит унинг сўзларига қулоқ солмас эди.

— Йўқ, кераги йўқ, раҳмат, кераги йўқ!— Малик шундай деб қўл силтади-ю, четроқда, саданинг тагида турган қирмизи ранг

«Москвич»га қараб югуриб кетди. Шу пайт Нафиса муюлишдан чиққан таксига имо қилиб:

— Тўхтатинг, жон Мирза ака, тўхтатинг!— деди худди ҳаёти таҳлика остида қолган одамдай талвасага тушиб.— Чопинг, ўтиб кетади!..

Дарҳақиқат, Мирза чошиб бориб қўлини кўтарганда машина рўпараларига келиб қолган эди, хийла ўтиб тўхтади. Орқадан чопқиллаб келган Нафиса Мирзанинг қўлидан ушлади.

— Юринг, кетдик!

Мирзанинг хаёлидан «Нима бало, бу мени бир ўйинчоқ қилмоқчимиз?» деган фикр ўтди. Нафисанинг хатти-ҳаракатлари шундай ғалати, гап-сўзлари шундай ҳаяжонли эдики, Мирзанинг назарида, ҳозир Маликни қувиш учун шундай қилаётгандай туюлди. Лекин қиз машинага ўтирганларидан кейин, ўзини орқага ташлаб, қандайдир ҳорғинлик билан:

— Уйга элиб қўйинг,— деди ва Мирзанинг шоферга йўл кўрсатишини кутмасдан ўзи адресларини айтди.

Ўртага жимлик чўкди. Нафисанинг қилиқлари бир томондан, унинг иззат-нафсига тегаётган бўлса, иккинчи томондан, қизнинг ўзини бунчалик яқин тутиши йигитнинг тилини боғлаб қўйган.

— Мирза ака, агар ишонмасангиз, мана, ушлаб кўринг...

Мирза Нафисага зимдан назар ташлади. Қизнинг кўзлари юмуқ, ўзи ҳам энтикиб нафас оларди. Бошқа пайт бўлганда Нафисанинг шу бир оғиз сўзиёқ Мирзанинг юрагини

эритиб юборган бўларди-я, лекин ҳозир не-гадир, эҳтимол кундузи заводда бўлиб ўтган тортишувларнинг таъсириданми, ҳарқалай, Мирза қўлини қизнинг қўлидан секин тортиб олди.

— Мен кўриб турибман,— деди Мирза, иложи борича секин ва самимий гапиришга тиришиб,— лекин... сиз ҳам тушунинг ахир: бундай қилиш мумкин эмас! Менинг бу гапларим сизга, эҳтимол ғалати туюлар, лекин очиғини айтсам... Сиз ҳозир олов билан ўйнаш-япсиз!.. Олов билан!— деди Мирза энтикиб.

Нафиса унинг гапига тушундими, ё ўзича бошқа нарсага йўйдими, буни билиш қийин эди, лекин у, худди шу мавзуда гаплашишдан қўрқиб, олдини олишга ҳаракат қилгандай, қўлини яна Мирзанинг қўлига қўйди.

— Билиб турибман,— деди у,— ҳаммаси-ни билиб турибман.

— Билиб турган бўлсангиз, нега бундай қиласиз?.. Муҳаббат билан ўйнашиб бўлмай-ди, ахир!

Нафиса ялт этиб Мирзага бир қараб олди.

— Биладан,— деди у қизариб,— раҳмат сизга, кўзимни очдингиз.

«Бу нима демоқчи ўзи?»— хаёлидан ўтказди Мирза. Унга гўё қизнинг иссиқ кафтини титроқ босгандай туюлди. Мирза шоферга кўз ташлади-да, унинг эътиборсиз ўтирганини кўргач, сал эгилиб, қизнинг қўлини секин ўпди. У яна ўпмоқчи эди, лекин қиз қўлини аста тортиб олди, тортиб олишга олди-ю, ўзининг бу ҳаракати Мирзага малол келишидан қўрққандай:

— Мен сизга озор бердим шекилли,— деди бошини қуйи солиб,— кечиринг мени!..

— Йўқ, йўқ,— деди Мирза,— аксинча...— у, Нафиса бошини яна ҳам пастроқ эгганини кўриб, ўзини орқага ташлади. «Бу қиз нега бундай қияпти? Кўнглида бошқа бир гапи бўлса, нега дангал айтиб қўя қолмайди?»

Машина қушдай учиб борарди.

Қуёш ботган, лекин ҳали лампочкалар ёқилмаган бўлса ҳам, кўчалар ёруғ, икки томондаги қизғиш япроқларга бурканиб олган садалар, атласга ўранган тут ва толлар, гўё ловуллаб ёнаётган катта гулханлардай кўчаларни шуълага кўмиб, олов пуркаётганга ўшарди...

Мирза ўз ўйлари билан банд бўлиб, манзилга қандай етиб борганларини ҳам пайқамай қолди. Нафиса машинани тўхтатганида қараса, асфальт кўчадан бурилиб, таниш тор кўчага кириб тўхтаган эдилар. Нафиса сумкасидан пул қидираётган эди, Мирза унинг қўлини ушлади:

— Қўяверинг, ўзим тўлайман.

— Раҳмат,— деди Нафиса ва қўлини чўзди,— хўп, эртага кутаман, Мирза ака.

Мирза то қизнинг қора хонатлас кўйлаги тилла ранг толлар орасида кўринмай кетгунча кузатиб турди, сўнгра шоферга қайтараверишга имо қилди-да, ўзини яна машинанинг суянчиғига ташлади. У чарчаган, ўзини жуда ҳорғин сезар, шунинг учун ҳам бир йўла уйга бориб ҳордиқ олиш пайида эди. Лекин машина асфальт йўлга етмасданоқ тўсатдан тўхтади. Мирза бошини кўтариб деразадан қараган эди, тротуарда қўлини кўтариб турган Малик-

ни кўрди. У аввалига, Малик ҳам машинага минмоқчи бўлса керак, деб ўйлади. Бироқ унинг «чиқинг» деб имо қилаётганини кўриб, машинадан тушди.

Малик салмоғини дам ўнг оёғига, дам чап оёғига ташлаб, нимадандир хижолат чеккан одамдай қизариб, бўртиб турарди.

Мирза уни бир неча марта учратган бўлса ҳам ҳозиргидай юзма-юз келмагани учунми, яхши пайқаманган экан: йигитнинг чеҳрасида қандайдир кишини ўзига ром қиладиган бир камтаринлик бор эди, ҳатто кеча Мирзага олифтанамо бўлиб кўринган мўйлови ҳам одатдаги стилиягаларникидан бўлакча — ўсиқ бўлиб, ўзига ярашиб турарди.

— Хўш, хизмат?— деди Мирза, у бундай совуқ муомала қилмоқчи эмас эди, бунга вазият мажбур қилди. Лекин Мирза бу саволни бериши билан йигитнинг юзидаги уят аралаш тортинчоқлик сўниб, кўзлари қисилди.

— Мен сизга бир нарсани айтиб қўймоқчи эдим...— деди Малик ва Мирзанинг: «нимани?» дейишини кутгандай, бир зум жим қолди, сўнгра, Мирза индамагач, овози титраб:

— Шу қизнинг кетидан юриб нима қиласиз, жўра?— деди энтикиб.

— Шунақами?— сал эгилиб деди Мирза. Йигитнинг гапи дилидаги энг нозик жойга бориб тегди-ю, бутун вужуди ларзага келгандай бўлди.

— Хўш, нега энди?— деди у ўзини зўрға босиб,— у қиз сенинг тенгинг эмас, демоқчимисиз? Шунақами, яхши йигит?

Йигит, азбаройи ўзини йўқотиб қўйганидан:

— Йўқ, йўқ, мен унақа демоқчи эмасман,— деди лаблари титраб,— фақат... у шунақа қизки, муҳаббатнинг қадрини билмайди!

— Биласизми, нима?— деди Мирза.— У муҳаббатнинг қадрини биладими, йўқми; менинг ишларимга аралашиб нима қиласиз? Умуман... бу ғамхўрлигингиз учун... Раҳмат. Лекин, боринг, тошингизни теринг, дўстим!

Мирза хийла ергача, йигитни мот қилганини ҳар эслаганда, бир жилмайиб, ўзидан мамнун бўлиб борди. Уни айниқса йигитнинг сўз тополмай ғудурлаб қолгани қувонтирар, буни эслаганда ўзига ишончи ортиб, дилида янги бир куч ва жасорат уйғонгандай туюларди. Лекин бора-бора бу ҳис сўниб, паясийиб, унинг ўрнини аллақандай ташвиш эгаллаб олди.

«Дарҳақиқат, бу қиз нега бундай қиляпти? Мақсади нима ўзи?» Мирза қатъий қарор қилди: «Эртага узил-кесил гаплашиш керак! Бунақаси кетмайди!»

* * *

Мирза Нафиса билан аҳдлашаётган маҳалда эртасига заводда албатта тўқнашув юз беришини сезган бўлса ҳам, унинг бунчалик кескин тус олишини хаёлига келтирмаган эди. Бунга сабаб: биринчидан, ўша куни душ қурилишининг бошланиши бўлса, иккинчидан, Латофатнинг туғилган кунини нишонлаш маросими эди. Мирза буларда иштирок этиши

лозим бўлгани ҳолда иштирок этолмас, назарида, ўз аҳдида турмаса, Нафисадан айрилиб қоладигандай туюларди. У олдин Файзулла билан астойдил гаплашиб, ундан рухсат олишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин Файзулла аввалига унинг гапларига қулоқ солгиси ҳам келмади, кейин Мирза шилқимлик қилавергач, «Лидага бор, Лида рухсат берса, кетавер. Сенда ўзи уят қолмабди!» деб жеркиб берди.

Мирзага Файзулланинг гаплари жуда қаттиқ теккан бўлса ҳам, Лидага мурожаат этишга мажбур бўлди-ю, иккиси уришиб қолишди. Коллективлари Коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олган чоғда биргалашиб кино-театрларга бориш, музейларни томоша қилиш, мактаб ўқувчилари билан учрашиш каби ташкилий ишларнинг Мирзага топширилиши унга жуда ёқиб тушган, уларнинг биронтасидан ҳам бўйин товламаган эди. Лекин энди буларнинг ҳаммаси негадир бурунги аҳамиятини йўқотгандай туюлди унга. Назарида, бригада юксак номни олгандан бери ҳамма, айниқса, Файзулла билан Лида майда-чуйда ишлар билан ўралашиб, энг муҳим нарсаларга ҳафсаласизлик билан қараётгандай туюла бошлади. Шунинг учун ҳам у Лидани расмиятчиликда айблади, Лида эса унга: «Эгоист бўлиб қолибсан. Ўз манфаатингдан бошқани ўйламайсан!» деб бақириб берди. Бу жанжалнинг оқибати шу бўлдики, Мирза учрашувга кечагидай яسانيб-тусаниб эмас, кўнгли ғаш бўлиб, эзилиб борди.

Соат олтига яқинлашмоқда эди. Билим юртида дарслар тугаган бўлса керак, кеча

эшитилиб турган скрипка овози ҳам тинган, хийбонлар ҳам кимсасиз, жимжит эди.

Мирза фойега кирди ва юраги қаттиқ ураётганини сезиб тўхтади. У энтикар, худди таҳликада қолган одамдай ҳовлиқар эди. Ҳолбуки, фойе ҳам кимсасиз, гўё студентлар бу ердан кўчиб кетишгандай. «Наҳотки бугун дарс бўлмаса-ю, Нафиса уни алдаган бўлса?»

Мирза ўз-ўзидан гижиниб фойедан ўтди ва тўғри иккинчи қаватга чиқди. Лекин бугун кечаги зал деярли бўш, саҳнадаги пианино олдида машқ қилиб ўтирган ёлғиз қиздан бўлак ҳеч ким кўринмас эди.

Мирза бир-бир босиб, йўлакнинг охирига борди. Иккала томондаги қатор эшикларнинг баъзиси очиқ, баъзиси ёпиқ, баъзилари бўм-бўш, баъзиларида дарс тайёрлаб ўтирган битта-яримта студентлар учраб қоларди. Дарс тугагани аниқ — йўлак ифлос, оёқ остида гижимланиб ташланган қоғоз парчалари, папирос чекиндилари ётарди.

Мирза, ниҳоят, Нафисани учратишдан умидини узиб, орқасига қайта бошлаган эди, чап томондаги қия очиқ турган эшикдан қиз боланинг қийқириб кулган овози эшитилди. Мирза бир сесканиб тушди: овоз Нафисанинг овозини эслатарди.

Мирза кетиш-кетмаслигини билмай қолди. У: «Ростдан Нафисами, ё менга шундай туюлдими» деган хаёлда иккиланиб турган эди, кулги қайта такрорланди.

Кулаётган Нафиса эканига шубҳа йўқ эди.

Мирза, бирдан юраги ҳовлиқиб, эшик тутқичига секин қўл чўзди. Эшик товушсизгина

очилди, лекин хона фанер билан иккига ажратилган бўлиб, даҳлиз шаклидаги биринчи торгина хона бўм-бўш эди.

Шу пайт ичкари хонада нимадир ғижирлаб сурилди, нимадир қулагандай бўлди, сўнгра Нафисанинг секин, эҳтиросли шипшиган овози эшитилди:

— Вой, қўйинг. Яхши эмас...

— Шошманг, шунча қийнаганингиз учун бир адабингизни бериб қўяй!— бу Маликнинг овози эди.

Мирза бутун вужуди қулоқ бўлиб, қотиб қолди.

— Чиндан ҳам рашк қилдингизми?— дерди Нафиса кулиб. Унинг кулгиси аллақандай ички шодлик ва гурурга тўла эди,— рости-нгизни айтинг: чиндан ҳам рашк қилдингизми?

— Ўзиям рашк қиладиган йигитни топиб-сиз-да!— дерди Малик, ҳазил-ҳазил билан бошингизни айлантириб қўйганини ўзингиз ҳам билмай қолмасангиз, деб қўрқдим!

— Чиндан ҳам яхши йигит экан.

— Ана, айтмадимми?

— Йўқ, рост айтаман. Агар сиз билсангиз, мени тўғри йўлга солган...

— Бас, дедим, бас!

— Шунақами? Бўлмаса... ажаб қилдим!— Нафиса боягидай яна қийқириб кулди,— сизни шундай қилиб адабингизни бермасам, қадримни билармидингиз!

— Шошманг, сизними?

— Вой, йўқ, йўқ...

Тагин нимадир гурсиллаб қулади. Мирзанинг назарида, гўё бошига катта, чўяндай оғир

бир нарса келиб тегди-ю, миясига қон қуйлиб, кўз олдини пардалади-да, вужудини қарахт қилиб қўйди.

Уни аниқ эшитилган бўса овози ҳушига келтирди. «Аблаҳ!» Мирзанинг тасаввурида у йўлакка чиқадиган эшикни тепган бўлиши керак эди, чунки унга ҳаво етишмас, ташқарига чиқиб эркин нафас олишга ошиқарди. Қараса, ичкари эшикни тепган экан, ўзи ҳам йўлакда эмас, ичкариги хонада турарди.

Бу торгина, уч бурчак хона бўлиб, битта-ю битта деразаси ҳовлига қарар, хонадаги стол ва стулларнинг ҳаммаси четга сурилган. Нафиса билан Малик деразанинг олдида қўл ушлашиб туришарди.

Эшик очилиши билан иккиси ҳам бирдан ялт этиб ўша томонга қарашди. Нафиса секингина: «А!» деб қичқириб юборди.

Мирзани ҳушига келтирган қизнинг шу овозими, ё эшикнинг шарақлаб очилишими — буни билмай қолди, лекин боя унинг кўз олдини тўсиб олган парда энди кўтарилиб, ҳамма нарса равшанлашган эди. У энди рўпарада турган қиз-йигитнинг гарангсиб қолганликларини, уларнинг юзида, кўзларида акс этаётган қўрқувни аниқ кўриб турар, бу нарса унга тасалли берарди.

— Кечирасиз,— ниҳоят биринчи бўлиб гап бошлади Малик,— сиз...— унинг лаблари сўзга келмасдан пирпираб уча бошлади. Бу нарса Мирзанинг дилида мавж ураётган исёнкор туйғуларни яна босди, хаёлини яна ҳам равшанлаштиргандай бўлди.

— Кечирасиз,— деди Мирза босиқ товуш билан,— қизчага битта саволим бор...— У На-

фисанинг кўзларига тикилди.— Сиз ўзингизнинг ифлос ниятларингиз йўлида мени шунчаки бир ўйинчоқ қилмоқчи бўлган экансиз-да!

Нафиса энтикди, ҳаво етишмагандай кўкраги бир кўтарилиб тушди.

— Мен...— деди у, шундай деди-ю, уятга чидай олмай, қулоқларигача ловуллаб, ерга қаради.

— Ҳа, сиз!— деди Мирза титраб.

Нафиса вазиятни ўзгартирмади, фақат боши яна пастроқ эгилди. Малик эса бир қадам илгари босиб:

— Сал оғзингизга қараб гапиринг, яхши йигит,— деди дудуғланиб.

Мирзанинг аъзойи баданини тобора қамраб олаётган титроқ тиззаларигача қалтиратиб юборди.

— Раҳмат сизга, яхши қиз! Мен сизни деб, дўстларимдан шунча сўз эшитиб, ишдан қолиб, ҳатто яқин ўртоғимизнинг туғилган кунига ҳам бормасдан, олдингизга чопсаму, бу гапларни эшитсам!

Мирзага гўё ўз юрагидан чиқаётган аланга бутун вужудини қамраб, куйдириб юбораётгандай бўлиб туюлди.

У Нафисани ураман деб сира ўйламаган эди, лекин унинг индамаётгани сабаб бўлди-ми, ё аламига чидай олмади, ишқилиб, қизнинг юзига тарсаки тушириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кафтдан олов чиққандай бўлгандагина, нима қилганини пайқади. Қиз қўли билан юзини босди-ю, лекин индамади. Шу маҳал Малик Мирзага ташландида, чап қўлини орқасига қайира бошлади.

Мирза бир силташда уни иргитиб ташламоқчи эди, лекин Маликнинг ўллари омбирдек сиқиб олганини сезиб: «Нима бало, боксёрликка машқ қилади шекилли» деган хаёлни кўнглидан ўтказди. «Майли, минг зўр боксёр бўлсин, кучини кўриб қўяй!»

Малик уни елкасидан ошириб отиш ниятида ёнбошига ола бошлаган эди, Нафиса тўсатдан:

— Қўйиб юборинг!— деди ҳаяжонланиб,— сизга айтяпман, Малик ака, қўйиб юборинг!

Нафисанинг овози ҳаяжондан титраса ҳам кескин эди.

— Майли, урсин!.. Уринг!— қиз бошини кўтарди. Унинг катта, қора кўзлари жиққа ёшга тўлди.— Сиз... Сиз ҳақсиз!— деди у лаблари титраб,— сизга жабр бўлди... Биламан. Уринг!..

Йўқ, Нафиса бу сўзни аламига чидай олмаганидан эмас, ҳақиқатан изтироб чекаётганидан айтарди.

Мирза бирдан аллақандай бўшашиб, орқага чекинди.

— Тўхтаг!— Малик унинг қўлидан ушлади,— сиз тушунишингиз керак. Биз ёшлик қилдик...

— Кераги йўқ!— деди Мирза,— кераги йўқ!

У хонадан чиқиб, пастга қандай тушганини, йўлакда ва фойеда кимлар билан учрашганини ўзи ҳам билмас эди.

«Баттар бўл! Сенга бу ҳам оза!»— қандайдир таниш ва нотаниш кўчаларни танҳо кезаркан, ўйларди у,— баттар бўл!»

Мирза шундан бошқа сўзни такрорламас.

бу сўз билан у бутун аламини ўзидан олишга тиришар, чунки ҳар сафар дилида айбни Нафисага тўнкаш истаги уйғонганда, негадир ёдига Лида билан бўлган тўқнашув тушар, унинг кўзлари ёниб: «Сен эгоист бўлиб кетибсан, ўзингдан бошқани ўйламайсан!» деган сўзларини эсларди. «Ҳа, сўнгги пайтларда унинг эркатой бўлиб кетгани ҳам, муваффақиятлардан гангиб, қизларнинг хушомадидан тантиқ бўлиб қолгани ҳам — ҳаммаси рост. Бўлмаса шундай қилармиди, нотаниш бир қизни деб бир маҳаллар ўзи илгари сурган гоё амалга ошадиган бўлганда ишдан қочиб юрармиди, ниҳоят, Латофатдай қизни ҳақорат қилармиди! Ҳа, Нафиса тўғри қилди, унга аччиқ, лекин ҳақиқий сабоқ берди!»

Мирза кун ботишга яқин уйга қайтди. Юрапини эзаётган оғир ўйлардан ва бемаъни ваъзиятдан қутулиш учун нимадир қилиш керак эди. Душдаги совуқ сувга ювинди. Бу ҳам хаёлини равшан қилолмади. Ниҳоят, Файзуланинг олдига боришга, унга бор гапни айтиб, кечирим сўрашга қарор қилди. Эндигина кийиниб кетмоқчи бўлиб турган эди, кўчада ўйнаб юрган синглиси чопиб кирди.

— Акажон!.. Сизни бир қиз чақиряпти.

— Ким экан! — ҳайрон бўлиб сўради Мирза.

— Билмасам... — деди синглиси, — жуда... фасон қиз!

«Ким бўлдийкин! — деди Мирза хаёлида, — наҳотки, Нафиса бўлса?»

У ичида гижиниб, ташқарига отилди.

Мирзалар ҳовлисининг олди торгина йўлак бўлиб, бу йўлак гир айланасига чўян скамей-

калар қўйилган юмалоққина гулзорга олиб чиқарди. Одатда унинг олдига келган дўстлари ўша гулзорда кутишарди.

Ҳозир ҳам Мирза «фасон қизни» ўша гулзорда гумон қилиб, ҳовлидан югуриб чиқди-ю, кутилмаган жойда у билан тор кучада тўқнашди. Фасон қиз — Латофат эди!

У негадир тескари бурилиб, гулзор томонга тикилиб турарди. Мирза уни кутмагани учун бўлса керак:

— Латофат! — деди шошиб.

Латофат тез бурилиб қаради. У ҳақиқатан ҳам «фасон» — эғнида ўша кеча жийиб борган атлас кўйлак, ботида чеҳрасини очиб турган ўша зардўзи дўппи, оёғида пошнаси баланд оқ туфли, фақат юзи ва кўзларидаги ифода ўзгарган, қандайдир совуқ эди.

— Кечирасиз, мен атайин келдим, — деди у ва бир йўталиб олди, — сизни уйга таклиф қиламан...

— Ра... раҳмат, — деди Мирза. Латофат яна бир йўталиб, кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди.

— Назаримда, сиз мени... Мен сизни яхши кўриб қолган деб гумон қилганга ўхшайсиз, — деди Латофат шу пайтгача тилини боғлаб турган аллақандай кучни енгиб, тез гапира бошлади. — Агар чиндан ҳам шунақа деб ўйлаган бўлсангиз, янглишасиз. Шу маҳалгача мен сизни оддий бир дўст деб билардим. Ҳалиям шундай деб биламан. Шунинг учун ҳам бугун бизникига боришингизни илтимос қиламан!

Латофат бунинг ҳаммасини худди олдиндан ёд олган шеърни ўқигандай, нафас олмас-

дан гапирди, сўнгра, гўё шундай муҳим гап бир зумда тамом бўлиб қолганидан ҳайрон бўлиб, қизариб кетди.

Мирза шошиб қолди. У Латофатнинг гапларидаги самимийликни сезиб турар, бундан кейин башарти уни астойдил севиб қолгудай бўлса ҳам рад жавоби олишга имони комил, бу содда, камтар қизни энди абадий йўқотганига иқрор эди.

— Хўп, раҳмат,— деди у нима дейишини билмасдан.

Сўнгра қиздан: «Сизни ким юборди?» деб сўрамоқчи эди, шу пайт кўчанинг бошида Лида билан Файзулла кўринди. Уларни кўрганда Мирзанинг кўнглига гўё илиқ бир нур қуйилгандай бўлиб, аъзойи бадани жимирлаб кетди, томоғига бир нима келиб тиқилгандай бўлди. «Нима бало, ёш бола бўлдимми?»— Мирза бу фикрни кўнглидан кечириб улгурмаган ҳам эдики, Лида билан Файзулла келиб кўришдилар. Улар ўзларини гўё ҳеч гап ўтмагандай тутишга тиришардилар.

— Хўп, Латофат айтгандир,— деди Файзулла жилмайиб,— қани юр, у ёқда ҳамма кутиб қолди.

Лида кулиб:

— Аразлаган ёш боладай ҳадеб қовоғингни солаверма!— деди, сал эркаланиб,— олдингга атайлаб шунча жойдан келдик-а?

— Тўхта, нима гап ўзи!— деди Мирза,— нега энди бирдан ҳаммаларинг мени қидириб қолдиларинг?

— Қани, бу ёққа юр,— Файзулла уни қўлтиқлаб олди.— Ҳозир ўзинг ҳаммасига тушунасан.

Йўлакнинг бошига етиши билан Мирза ҳақиқатан ҳамма нарсага тушунди: гулзордаги скамейканинг олдида Малик билан Нафиса турарди.

Мирза гижиниб:

— Об-бо!— деб қўл силтаган эди, Файзулла уни тўхтатди:

— Бир оғиз бир нима де, жуда хижолат чекишяпти.

— Қиз йиғлаяпти,— деди Латофат, Лида эса уни қўлтиқлаб олди.

— Майли, қўйинглар, ўзи билади! Бор. Биз кутиб турамиз.

Мирза ҳамон гулзорга боришга кўнгли топ бермасдан иккиланиб турганди, аввал Малик, кейин Нафиса унга қараб юрди.

Мирза ноқулай вазиятни чўзмаслик учун:

— Хўп, мен нима қилай? Нима керак?— деди секин.

Нафиса нарироқда тўхтаб, Малик олдинга ўтди.

— Кечиринг, Мирза ака, мен ёшлик қилдим.

— Хўп, майли энди!..

— Йўқ, йўқ,— Малик шошиб унинг сўзини бўлди,— биз севгининг қадрини билмаган эканмиз, сиз... кўзимизни очдингиз!

Мирза бир ҳатлашда унинг ёнига борди.

— Хўп, хуллас, кечириш керак бўлса, мен кечирдим! Энди бўлдими? Шу билан қутулдимми?

Мирза кескин гапирди, лекин Нафиса унинг овозидаги бу дағалликни сезмагандай:

— Раҳмат сизга!— деди кўкрагидаги тўғнағичини ўйнаб.

— Раҳмат, дўстим!— деди Малик ва қўлини чўзди.

Мирза индамади. У буларни кечира олмаслигини, бунга кучи етмаслигини билса ҳам, уларнинг келиши кўнглидан бояги оғир ўйларни чиқариб ташлаганини сезар, уни кутиб туришган Файзуллаларга йўналаркан, дилининг бир четида Нафисадан миннатдор эди.

На узбекском языке

Якубов Адъл

МИРЗА ТИРАК

Рассказ

Гослитиздат УзССР—Ташкент—1961

Редактор А. Исроилов

Рассом Р. Яушев

Расмлар редактори Г. Остапенко

Техн. редактор В. Шуклинова

Корректор М. Абдуллаева

Босмахонага берилди 14/VIII-1961 й. Босишга рухсат
этилди 7/IX-1961 й. Формати 70×90¹/₃₂. Босма л 1,5.
Шартли босма л. 1,75 Нашр л. 1,74 Индекс б/а.
РО 9312 Тиражи 10000. УзССР Давлат бадний
адабиёт нашриёти Тошкент, Навоий кучаси, 30.
Шартнома № 174—61.

УзССР Маданият министрлиги Узгавиздатининг
1-босмахонаси. Тошкент Ҳамза кучаси, 21. 1961 й,
Заказ № 1199 Бяхоси 6 т.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БАДИИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ**

**Босилиб чиқди ва китоб магазинларида
сотилмоқда**

И. Султон

Имон. Пьеса. 81 бет, тиражи 5000, баҳоси 18 т.

Р. Бобожон

**Тоға ва жиянлар. Пьеса, 87 бет, тиражи 5000,
баҳоси 19 т.**

Н. Юсуфий

**Фарғона шўх кулади. Очерклар. 35 бет, тира-
жи 15000, баҳоси 4 т.**

А. Шермухамедов

**Пискентлик паҳлавон. Очерк. 40 бет, тиражи
15000, баҳоси 4 т.**

С. Абдуқаҳҳор

**Олтин водийларни кезганда... Очерклар. 58 бет,
тиражи 15000, баҳоси 8 т.**

**Китоб магазинларидан топилмаган мазкур китоб-
ларни почта орқали қуйидаги адресга заказ қи-
либ олиш мумкин:**

Ташкент, 65. „Книга—почтой“



6к.

УВАЖАЮЩИМ ОБРАЗОМ